

ҲАРБИЙ ХАФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДА ҲАЛҚАРО ҲАМКОРЛИКНИНГ РОЛИ ВА АҲАМИЯТИ

Д. З. Ҳасанов

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Академияси

Тиллар кафедраси бошлиғи полковник

Аннотация:

Ушбу мақолада мамлакатнинг мудофаа фаолиятини такомиллаштириш, ҳарбий соҳада миллий хавфсизликка нисбатан мавжуд таҳдидларни ҳисобга олган ҳолда Қуролли Кучларни ислоҳ қилиш масаласи ва унинг истиқболи ҳақида фикр ва мулоҳаза юритилади.

Калит сўзлар: миллий армия, ҳарбий қисм ва бўлинмалар, қуролли кучлар, ўзаро ва ҳалқаро ҳамкорлик, зиддиятлар, келишувлар, икки томонлама шартномалар, мамлакат дахлсизлиги, қурол-аслаҳа, ҳарбий техника, минтакавий мажоролар.

Жорий йилнинг 12 январь куни бўлиб ўтган Хавфсизлик Кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида Президентимиз томонидан Қуролли Кучларни ривожлантириш ва мамлакат мудофаа қобилиятини янада мустаҳкамлаш ҳамда бу борада замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва илфор инновацияларни кенг татбиқ этиш бўйича муҳим кўрсатмалар берилиб, барча даражадаги қўмондонлик ва бошқарув органлари фаолиятини такомиллаштириш, қўшинларда автоматлаштирилган бошқарув воситалари ва комплексларни жорий қилиш орқали уларнинг ҳамкорликдаги оператив ва жанговар тайёргарлик даражасини ошириш, ахборот ва киберхавфсизликни таъминлаш истиқболдаги долзарб вазифалар белгиланди. Бугунги кунда ҳар қандай армиянинг жанговар шайлиги нафақат унинг замонавий қурол-аслаҳалар ва ҳарбий техникалар билан бутланганлиги, балки шахсий таркибининг айни ўша замонавий ҳарбий техникаларни бошқаришни қай даражада ўзлаштирганлиги ҳамда жанговар шароитларда уни моҳирлик билан бошқара олишига ҳам бевосита боғлиқ. Мамлакатнинг мудофаа фаолиятини такомиллаштириш, ҳарбий соҳада миллий хавфсизликка нисбатан мавжуд таҳдидларни ҳисобга олган ҳолда Қуролли Кучларни ислоҳ қилиш масаласи

бугунги қуннинг долзарб мавзуси саналади. Бунинг учун илгор халқаро тажрибаларни ўрганиб, ҳарбий санъат назарияси ва амалиётини ривожлантириш талаб этилмоқда. Бу маънода халқаро терроризм, экстремизм, наркохуружлар ҳамда уюшган жиной гурухларга қарши курашиш ҳар бир мамлакатнинг устувор вазифаси ҳисобланади. Бунинг учун минтақавий ҳамкорлик ва ўзаро ҳамжиҳатлиқда тинчликни таъминлаш йўлида ҳарбий-илмий ҳамкорлик доирасини кенгайтириш мақсадга мувофиқдир. Ўзбекистон Республикасининг мудофаа ва хавфсизликни таъминлашга қаратилган барча тизимли чора-тадбирлари ва саъи-ҳаракатлари минтақа ва жаҳон миқёсида тинчлик ва осойишталиктини таъминлашга қаратилган. Гарчи хавф ва таҳдидлар мавжуд бўлсада, янги Ўзбекистонни мусаффо осмони ва чегараларининг дахлсизлиги ошончли қўллардадир. Марказий Осиёда осойишталиктини ҳамда барқарор тараққиётга эришиш йўлида минтақа давлатлари томонидан фаол ташқи сиёsat олиб борилмоқда. Марказий Осиёни тинчлик ҳамда яхши қўшничилик ҳудудига айлантириш Ўзбекистон ташқи сиёsatининг ҳам устувор йўналиши сифатида белгиланган. Мазкур мақола мавзусининг долзарблиги шундаки, бугунги глобал таҳдид манбалари кўпайиб бораётган даврда, Марказий Осиё ҳудудий хавфсизлигини таъминлаш минтақа давлатларининг олдида турган энг асосий вазифалардан бирига айланди. Давлатлар ўртасида савдо-иктисодий, транспорт ва транзит-логистика, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, давлат чегараларига доир масалаларни якунига етказиш, сув ресурсларидан адолатли фойдаланиш, халқлар ўртасида маданий-гуманитар алоқалар, дўстлик ва яхши қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлаш каби йўналишлар ривожлантирилмоқда. Марказий Осиёда осойишталиктини ҳамда барқарор тараққиётга эришиш йўлида минтақа давлатлари томонидан фаол ташқи сиёsat олиб борилмоқда. Марказий Осиёни тинчлик ҳамда яхши қўшничилик ҳудудига айлантириш Ўзбекистон ташқи сиёsatининг ҳам устувор йўналиши сифатида белгиланган. Мазкур мақола мавзусининг долзарблиги шундаки, бугунги глобал таҳдид манбалари кўпайиб бораётган даврда, Марказий Осиё ҳудудий хавфсизлигини таъминлаш минтақа давлатларининг олдида турган энг асосий вазифалардан бирига айланди. Давлатлар ўртасида савдо-иктисодий, транспорт ва транзит-логистика, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, давлат чегараларига доир масалаларни якунига етказиш, сув ресурсларидан

адолатли фойдаланиш, халқлар ўртасида маданий-гуманитар алоқалар, дўстлик ва яхши қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлаш каби йўналишлар ривожлантирилмоқда. Булар орасида, айниқса, Марказий Осиёда тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш билан боғлиқ йўналишлар ва ҳамкорликдаги ташаббусларни атрофлича таҳлил қилиш мақоланинг асосий вазифаси этиб белгиланган. Мамлакатимиз раҳбари томонидан қабул қилинган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида Ўзбекистоннинг ён-атрофида хавфсизлик, барқарорлик, аҳил қўшничилик муҳитини шакллантириш яқин ва ўрта муддатли стратегияда ташки сиёсатимизнинг устувор вазифаси сифатида қайд этилганлиги ҳам ушбу йўналишда амалга оширилаётган тадбирлар кўламишининг кенгайишига ва самарадорлигининг ортишига туртки бўлди. Қолаверса, **2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг мазмун-моҳиятининг 90-мақсад:** Давлатнинг мудофаа қобилиятини янада мустаҳкамлаш, Қуроли Кучларнинг жанговар шайлигини, унинг имкониятлари ва қобилиятини кучайтириш ва барча бўғиндаги ҳокимият органлари раҳбарларининг қўшинлар кундалик ҳаётида, ҳарбий шаҳарчалар барпо этиш, уларнинг инфратузилмасини яхшилаш, ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашда фаол иштирок этишини таъминлашдан иборат. Ҳарбий хизматни ўтаб қайтган ёшларнинг ижтимоий муаммоларини ҳал этиш, уларни иш билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратиш, Қуроли Кучларнинг барча давлат идоралари, муассаса ва корхоналар учун етук кадрлар тайёрлайдиган мактабига айланишига эришиш, мамлакат ҳарбий хавфсизлигини таъминлаш ва мудофаа салоҳиятини мустаҳкамлаш борасидаги қонунчилик хужжатларини такомиллаштириш, қуроли Кучлар ягона автоматлаштирилган бошқарув тизимини яратиш ва рақамлаштиришни янада такомиллаштиришдан иборат. Қуроли Кучларда ягона ахборот-коммуникация тизимини яратиш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш, мудофаа вазирлиги қўшинларининг жанговар шайлиги ва тайёргарлиги ҳамда ўқув моддий-техника базасини янада такомиллаштириш, фуқароларнинг ҳарбий хизматни ўташ тартибини янада такомиллаштиришdir. Олий ҳарбий таълим муассасаларига номзодларни саралаш ва танлаб олиш тизимини янада такомиллаштириш, мудофаа вазирлиги қўшинларида раҳбар лавозимларига

**Proceedings of International Conference on Educational Discoveries and Humanities
Hosted online from Plano, Texas, USA.**

Date: 1st April, 2023

ISSN: 2835-3196

Website: econferenceseries.com

кадрлар захирасини яратиш тизимини ривожлантириш, мудофаа вазирлиги тизимида геральдика ишларини самарали йўлга қўйиш, қўшинларни замонавий қурол-аслаҳа, ҳарбий ва маҳсус техника ҳамда жиҳозлар билан таъминлашдан иборат. **91-мақсад** эса Ҳарбий хизматчилар, уларнинг оила аъзоларининг ижтимоий ҳимоясини ҳар томонлама кучайтиришдан иборат бўлиб, қуролли Кучлар ҳарбий хизматчиларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва уларга кўрсатилаётган тиббий таъминот сифатини янада ошириш, қуролли Кучларда ахлоқий-руҳий таъминотни ва ҳарбий психологлар институтини янада такомиллаштириш ҳамда ҳарбий хизматчиларнинг жанговар руҳиятини ошириш бўйича чора-тадбирларни белгилаш, ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш тадбирларини янада кучайтириш, мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм ва муассасаларида мавжуд хотин-қизлар ва ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари билан ишлаш бўйича етакчи мутахассислар иш фаолияти самарадорлигини оширишдан иборатdir ва шунингдек, сўнгги йилларда Марказий Осиё минтақасининг геосиёсий ва геостратегик аҳамияти ортиб бораётгани, ўзининг катта миқдордаги минерал ва хом-ашё ресурслари туфайли халқаро майдонда жиддий эътибор обьектига айланиб бораётгани ҳамда минтақада дунёнинг йирик давлатлари стратегик манфаатлари тўқнашуви содир бўлаётгани билан боғлиқ хулосалар берилган келтириб ўтилган.